

Сийрат дарслари (65-дарс). Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим



19:08 / 27.12.2019 4160

308. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир одам келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди.

У зот ундан бунинг нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, у ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. **«Биз билан намоз ўқидингни?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни мағфират қилди ёки ҳаддингни»**, дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

309. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим: **«Роббингни тоғ чўққисидаги қўйчивон ажаблантиради. Азон айтиб намоз ўқийди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Бу бандамга назар солинглар. Азон айтади ва намоз ўқийди. Мендан қўрқади. Батаҳқиқ, бандамни мағфират қилдим ва жаннатга киритдим»**,

дейди».

Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан